

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич

ЭСТЕТИК МАДАНИЯТ

Монография

“Наврӯз” нашриёти,
Тошкент – 2020

УЎК 118.232.822

КБК 87.817

Ғ 75

Файбуллаев О.М. Эстетик маданият. Монография.
–Тошкент: “Наврўз” нашриёти, 2020. – 310 бет.

Мазкур монографияда мамлакатимизда эстетика соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти фалсафий тафаккур доирасида ёритилган. Унда шахс эстетик маданиятининг ёшлар тарбиясидаги ўрни, миллий гоянинг давлат ва жасамият бошқарувидаги роли, эстетик маданиятининг ривожланиши қонуниятлари очиб берилган.

Масъул муҳаррир: ф.ф.д., проф. Яхшиликов Ж.Я.

Тақризчилар: п.ф.д., проф. Қодирова Ф.Р.,
ф.ф.д., проф. Самадов А.Р.

*Монография Самарқанд давлат чет тиллар институти
Кенгашининг 2020 йил 5 июнданги 8-9-сонли қўйша
йигилишида нашрга тавсия этилган.*

ISBN 978-9943-6590-6-3

© Файбуллаев Отабек Мухаммадиевич, 2020
© “Наврўз” нашриёти, 2020

КИРИШ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ислоҳотлар негизида жамиятда эстетик маданиятининг шаклланиши ва ривожланишига сиёсий, ижтимоий, фалсафий, ахлоқий, эстетик ислоҳотлар қатори маънавий ҳаётга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шахсни ҳар томонлама шаклланган комил инсон қилиб тарбиялаш, миллий ғояни юксак ҳис-туйғулар негизида чуқур идрок этиб, мустақилликни мустаҳкамлаш ишига жалб этиш масаласи кун тартибига қўйилди. Аникроғи юртбошимиз таъкидлаганидек: “Айни вақтда, маданият соҳасида жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, ёшларимизни ҳақиқий санъатни англашга ўргатиш, уларнинг эстетик оламини соғлом асосда шакллантириш бўйича олдимизда жуда муҳим вазифалар турибди”¹.

Ижтимоий-маънавий соҳалардаги ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад халқимизнинг маънавий юксалишига шароит яратиш, хусусан, ҳар бир шахсни инсонпарвар, ватанпарвар, ахлоқий-эстетик жиҳатдан комил инсонлар бўлиб етишишларининг илмий асосланган тарбиявий тизимини ишлаб чиқишдан иборат бўлди.

Шахсни билимли, масъулиятли, сиёсий жиҳатдан идрокли, ахлоқан пок ва маънавий баркамол бўлиб ўсишларида эстетик тафаккур ва эстетик маданият равнақининг аҳамияти катта.

Эстетик маданият маълум даражада қолипга солинган, қотиб қолган тизим бўлмай, инсон фаолиятини барча тармоқлари билан боғлиқ бўлгани учун шахснинг янгича эстетик онгини ривожлантириш маънавий ислоҳотларда катта аҳамият касб этади.

¹Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. –Т.: Ўзбекистон, 2-жилд, 2018. 196-бет.

Бунинг учун умуммамлакат миқёсида жуда катта ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Чунки эстетик тафаккури ва маданияти ривожланган шахс ўз халқи тарихи, маънавий мероси ва бугунги ижтимоий тараққиётига бефарқ бўлмайди. Ўз ҳаёти ва фаолиятини Ватан тараққиёти ва истиқболи билан чамбарчас боғлайди, ўзини миллат, мамлакат ва ижтимоий-тарихий ҳаётдан четда тасаввур этмайди.

Эстетик маданият тараққиёти шахсда фаолликни кучайтиради, ўз ижодий имкониятларини синаб кўриш ва рўёбга чиқаришга даъват этади. Ана шундай ижтимоий-тарихий ва маънавий жиҳатдан нихоятда зарур бўлган масала – жамиятда эстетик маданиятининг шаклланиши ва ривожланишини тадқиқ этиш ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан долзарб хисобланади. Бунда:

Биринчидан, шахс эстетик маданиятининг ижтимоий-фалсафий тадқиқотлар тарихида қандай ўрганилганлик даражаси ҳамда ижтимоий тараққиёт жараённида эстетик маданият ва унга доимо жамиятда эҳтиёжнинг ошиб бориши объектив жараён эканлиги маънавий-маданий соҳалардаги ўзгаришларда рўй бермоқда. Бунинг натижасида жамиятда шахс эстетик маданияти ривожига хизмат қилувчи миллий ва умумбашарий қадриятлар, жумладан, аждодларимиз маънавий меросларини тадқиқ этиш, эришилган ютуклари асосида вокеликни илмий-назарий ўрганиш, халқ манфаатларини ифодаловчи тизимни яратишга қаратилган назарий-методологик масалалар муҳим аҳамият касб этади.

Иккинчидан, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”дан келиб чиқиб таълим-тарбия босқичларида шахс, хусусан, ёш авлод дунёқарашида Ватан бўлган муҳаббат, юртга садоқат туйғуларини шакллантириш мақсадга мувофиқдир. Жамиятда жисмонан бакувват, ахлоқан пок, эстетик маданиятли, маънавий баркамол авлодни тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор вазифаси бўлиб, беш ташаббус доирасида фарзандларимизни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялаш бугуннинг долзарб вазифаси саналади. Уларда жаҳонда рўй бераётган турли кўринишдаги таҳдидларга қарши тура

оладиган эстетик иммунитетни шакллантириш, юртимиз равнаки йўлида сидқидилдан меҳнат қиласиган юксак маънавиятли шахслар қилиб тарбиялаш барчамизнинг бурчимиздир.

Учинчидан, бозор муносабатларининг ривожланиши жараёнида жамиятда соғлом ва эстетик мухитни яратилиши ҳамда унинг шахс онгига акс этиши, эстетик муносабатларида мукаммал иқтисодий, хукукий, сиёсий карашларни миллийлик руҳида шакллантиришга олиб келмоқда. Бу жараён ўзида шахсни жисмонан, айни чоғда, сиёсий, ахлоқий, эстетик ва фалсафий тафаккури мустақиллик даври ва мустақиллик мафкурасига мос келадиган, маънавий юксак авлодни шакллантириш ва ривожлантиришни кўзда тутади.

Тўртингидан, шахсни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳда тарбиялаш жараёнида унинг онгига эстетик маданият унсурларини ижтимоий-фалсафий асосда камол топтириш, мафкуравий ва сиёсий фаолликни юксалтириш мухим аҳамиятга эга.

Шахс эстетик тафаккури ва маданиятини юксалтириш, тарбиялаш осон иш эмас. Айниқса, бугунги мафкуравий қарашлар гоҳ ошкора, гоҳ пинхона тус олган, турли экстремистик оқимлар ва ақидапарастлар заиф иродали ва тафаккури тор ёшларни ўз томонига оғдириб олишга интилаётган бир даврда бу масала ниҳоятда долзарб аҳамият касб этади. Шахснинг эстетик маданиятини шаклланниши жамиятнинг учун ҳар бир бўғинида жиддий ишлар олиб бориш, хусусан, ёшлар онгига миллий ва умуминсоний ахлоқий-эстетик қадриятлар мазмунини сингдириш, уларнинг эстетик маданиятини замон талаби асосида шакллантириш ва ривожлантиришни тадқиқ этиш долзарб илмий муаммодир.

Бешинчидан, фуқаролик жамиятини барпо этишда билимдон, зукко, серғайрат, фидойи ва интеллектуал салоҳиятли шахс мамлакатимизни янада гуллаб яшнаши, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуришда таянч бўладиган беш ташаббус жамият равнақига хизмат қиласи. Шунинг учун ёшларнинг ижодкорлик туйғуларини рӯёбга

чикариш ва ривожлантириш учун, биринчи навбатда, уларни халқимизнинг олижаноб анъаналари, пурмаъно ўгитлари ва тарбиявий анъаналари билан баҳраманд этиш, тарих ва бугунги даврни бирлаштирувчи ижтимоий-фалсафий инсоний фоялар билан қуроллантириш зарур бўлади.

Олтинчидан, бугунги кунда шахс эстетик маданиятининг замонавий дунёкараш билан бойиб бориши, бунинг натижасида глобаллашувнинг ҳар бир фуқаро ижтимоий ва эстетик ҳаётига таъсири вужудга келаётганлигини объекти ижтимоий зарурият сифатида кўрсатиб берилган. Глобаллашув жараёнида эстетик маданиятнинг энг асосий вазифаси шахсни ёт таъсирлардан ҳимоя қилиш, ҳаётда завқ-шавқ билан яшашга ўргатиш, уларга ўрнак бўлиб, бошқаларнинг ҳавасини келтирадиган маънавий-руҳий камолотга эришишдан иборатdir.

Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида юз бераётган бундай ислоҳотларнинг фалсафий-эстетик моҳиятини шахс онгига, тафаккурига сингдириб бориши, уни миллий ғоя руҳида тарбиялаш қурилаётган фуқаролик жамияти маънавий дунёсининг асосий негизини ташкил қиласди. Чунки демократик ва фуқаролик жамиятиянинг ворислари ва бунёдкорлари бўлган инсонлар гўзаллик қонунлари асосида яшаб ва фаолият кўрсатиб ижтимоий ҳаётда фаол субъект сифатида намоён бўлмокда.

БИРИНЧИ БОБ. ШАХС ВА ЖАМИЯТ ЭСТЕТИК МАДАНИЯТИ РИВОЖЛАНИШИННИГ НАЗАРИЙ- МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

1.1§. Эстетик маданият ривожланишининг фалсафий асослари

Кишилик жамияти тарихий тараққиёт жараёнида хилмажил кўринишларда намоён бўлган. Ҳар бир тарихий даврда ижтимоий-фалсафий қарашлар, диний ақидалар каторида эстетик маданиятнинг серкирра жабҳалари ҳам вужудга келади. Бунга параллел равишда маданият ўзининг эстетик қиёфасини хаётнинг реал воқеа-ходисалари ва ижтимоий тафаккур шаклланишида ифодалаб келган. Шахс эстетик маданияти ривожланиб борар экан, “ўз фалсафий асосига эга бўлмаган ёки ундан ажралган ғоя ва мафкура ижтимоий ҳаётда муҳим аҳамият касб этмаслиги, ҳатто инсон ҳамда жамият тараққиётига”¹ янгича кўринишни олиб келолмаслиги табиий ҳолдир.

Шундай экан, ҳар бир шахснинг дунёқараси жамиятнинг маънавий-эстетик ҳаётини белгилайдиган, инсон учун хизмат қиласиган ахлоқий идеалга асосланиб, янгича завқий муносабатларни шакллантириб боради. Мана шу жараёнда шасхнинг эстетик онги ва маданиятини юксак маънавият билан бойитиш, инсонпарварликни камол топтирадиган завқли ҳаётни барпо этиш шароити вужудга келади. Унда ҳар бир инсон ўз қалби ва шуурига маданият ва маънавият, ахлоқ ва одоб, эзгулик ва комиллик тушунчаларини сингдириб боради. Бу тушунчаларни завқий томонга йўналтирилган эканлиги, уларни ҳар бир инсон ҳиссий-эмоционал қабул қилиши бевосита шахсни ўз-ўзидан эстетик маданият томон етаклайди.

¹ Мамашокиров С., Тогаев Ш. Эркин ва фаровон ҳаёт қурилишининг гоявий-мафкуравий масалалалари. -Т.: Маънавият, 2007. 25-бет.

Айни пайтда эстетик маданиятнинг жамиятдаги шаклланиш жараёнини ўрганилиши муайян қарашларда хилма-хил кўриниш ва воқеликнинг эстетик манзарасини намоён этиб келмоқда.

“Эстетик маданият” тушунчасига кўпчилик адабиётларда хилма-хил фикрлар ва таърифлар берилади. “Эстетик маданият, – деб ёзилади фалсафа қомусий лугатида, – эстетик қадриятлар, уларни яратиш ва истеъмол қилиш усулларининг мажмуи”¹. Бу таърифда эстетик маданият қадриятлар доирасида тадқиқ этилиб, унинг жамиятда шахс табиатини эстетик ўзлаштириш жиҳатлари, санъатнинг меҳнат фаолияти жараёнида яратилиши ва эстетик тарбия тизими масалалари акс эттирилган.

“Эстетик маданият, – деб таъкидланади “Эстетика асослари” китобида, – бу инсон эҳтиёжларининг мураккаб тизими бўлиб, унда одамзод ҳиссиётлари, малакалари, қўнималари, билимлари, меъёрлари, маслаклари бир-бири билан чамбарчас боғланиб кетганлиги”²дир. Бу таърифда эстетик маданият кўпроқ инсоннинг эҳтиёжларига боғлаб ёритилади.

Бошқа бир таърифда, “...эстетик маданият инсоннинг маънавий-ҳиссий фаолияти билан боғланган муносабатлар ва қадриятлар тизимини ифодалайди”³, дейилади.

“Эстетик маданият қадриятларини ўзлаштириш, – деб ёзилади, “Маданиятшунослик асослари” китобида, – шахсий ва ижтимоий тажрибанинг ўзаро алоқадорлиги негизида амалга ошади, унда шахснинг эстетик дунёкараши, қадриятларга танлаб муносабатда бўлиш малакалари, гўзаллик ва мукаммаллик тўғрисидаги тасаввурлари, воқелик, санъат қадриятларини идрок этиш шакллари, эстетика, санъатшунослик тўғрисидаги билимлари муҳим омил

¹ Фалсафа. Комусий лугати. -Т.: 2004. 466-бет.

² Umarov E., Karimov R., Mirsaidova M., Ouxo'jayeva G. Estetika asoslari. -T.: Cho'iron, 2006. 143-бет.

³ Гулметов Э., Қобилжонова Т., Эрназаров Ш., Маврулов А. Маданиятшунослик. -T.: 2000. 38-бет.

ЭСТЕТИК МАДАНИЯТ

хисобланади. Шахснинг эстетик маданияти, шундай қилиб, эстетик қадриятларни яратиш, ўзлаштириш ва истеъмол қилиш усулларидан ташкил топади”¹. Бу таърифда ҳам эстетик маданият қадриятларни ўзлаштиришга ва истеъмол қилиш усулларига кўпроқ аҳамият берилади.

Куйидаги таърифда эса, шахс эстетик маданияти бу “...эстетик маданиятни мақсадли қисмлар асосида ҳал этишда келажакка воқеликнинг эстетик моҳиятини қарама-қаршиликлар ва мураккаб жараёнлар негизида тўғри йўналтиришдир”², дейилади. Бу таърифда ҳам эстетик маданиятнинг моҳияти очишдан кўра, мантикий мавхумлашиш кучайиб кетган.

Эстетик маданиятга берилган турли-туман таърифларда бу муаммонинг айрим томонлари, қирралари олинади, аммо унинг туб моҳиятини очиш эътибордан четда қолган. Лекин “...эстетик маданият – эстетик муносабатлар ва қадриятлар тизимининг мураккаб таркибли ўзаро алокалари йиғиндисидир”³, дейилганда масалага анча яқинроқ келинади.

Ушбу таърифлардан келиб чиқкан ҳолда эстетик маданиятнинг жамият тараққиётидаги ўрни ва ролини таҳлил этиб, унга куйидагича таъриф бериш мумкин.

Эстетик маданият бу – муайян ижтимоий-тариҳий тараққиёт жараёнида кишиларнинг воқеликдаги нарса ва ҳодисаларга нисбатан ҳиссий-эмоционал муносабатда бўлиб, уларни маънавий-эстетик қадрият сифатида баҳолашининг ифодасидир. Шунингдек, эстетик маданият, инсон ва жамият моддий-маънавий даражаси, ижтимоий-сиёсий омиллар, шахсий, миллий ва умуминсоний қадриятларни ўз ичига олувчи ижтимоий-тариҳий ҳодисадир.

Ушбу таъриф эстетик маданиятнинг кенг қамровли эканлиги, воқеликнинг инсон фаолияти билан чамбарчас боғлиқлиги, хар бир завқий муносабат эстетик

¹ Маданиятшунослик асослари. -Т.: 2006. 84-бет.

² Пирацов А.В. Эстетическая культура личности. –Ленинград: Знание, 1978. -с. 6.

³ Эстетика (словарь). -Москва: Политиздат, 1989. -с. 169.

дунёқарашнинг негизида ривожланиб бориш тенденцияси бўлишини ҳис қилиш лозим.

Юқоридаги таърифнинг ихчамлаштирилган кўриниши сифатида эстетик маданият – бу инсон жисмоний ва маънавий камолотининг завқий ифодасидир, дейиш мумкин.

Барча таърифларда эстетик маданиятнинг шахс маънавий камолоти билан боғлиқ фикрлар илгари сурилади. Буларнинг шахс ижтимоий ҳаётида муҳим эстетик қадриятлар ва идеалларни яратиб бориши натижасида ўзига хос қонуниятларни шаклланиб боришини кўриш мумкин.

Эстетик маданиятнинг методологик асослари шахснинг эстетик эҳтиёжларидан келиб чиқкан ҳолда, инсонда завқий муносабатларни шакллантирувчи ҳис-туйғу, малака, кўникма, меъёр ва мезонлар билан узвий алоқадор бўлади. Бу эса, ўз навбатида, шахснинг воқеликни идрок этиши билвосита эстетик ҳиссиётларда намоён бўлиб боришини кўрсатади.

Жамиятнинг ривожланиб бориши давомида эстетик маданият фақатгина воқеликни эстетик идрок этиб қолмасдан, балки шахснинг эстетик онгида вужудга келадиган гўзаллик дунёсининг қиёфаси, бадиий-эстетик дидлари, асрлар давомида шаклланиб ва сайқалланиб келадиган умуминсоний қадриятлари, ахлоқий ва эстетик идеаллари ҳам бойиб боришини ифодалайди.

Шунингдек, эстетик маданият жамият ривожида хилмажил вазифаларни бажариб келади. У тадрижий ривожланиши жараёнида шахснинг табиатга бўлган муносабати ва уни ўзлаштиришга интилишини, меҳнат фаолиятининг ўзгариб боришини, майший хизмат соҳасини, ижтимоий ҳаётнинг завқли манзараларини, инсонларнинг борлиқка завқий ёндашувини, жамият талаб ва эҳтиёжлари асосида вужудга келадиган бадиий-эстетик омилларнинг қондирилишини таъминлайди.

Жамият маънавий ҳаётининг гўзаллик қонунларига мувофиқ ўзгарувчан бўлишига, аввало, шахснинг эстетик маданияти ўз таъсирини ўтказади. Шахс эстетик маданиятида фақатгина муайян жамиятнинг эстетик маданияти, ўз

халқининг бадиий-эстетик ва маънавий-ахлоқий қадриятларини эмас, балки, шу вақтгача инсоният яратган барча қадриятлар тизимини ўзлаштирилиши, адабиёт ва санъатнинг баҳоланиб борилиши ва муҳокама этилиши, табиатдаги воқеа-ходисаларга нисбатан завқий муносабатни шакллантириш назарда тутилади. Шахс эстетик маданияти ҳамиша инсоннинг воқеликка завқий муносабатининг намунаси сифатида эстетик тасаввур, фаолият, талаб ва эҳтиёж, тафаккур ва нутқ, ижтимоий ҳаёт ва меҳнатдаги гўзалликни ўз ичига қамраб олади.

Эстетик маданият жамият ва шахс маънавий ҳаётининг муҳим омили бўлишига қарамасдан, у факатгина маънавий омилларга асосланиб қолмайди. У бутун бир инсоният томонидан яратиладиган нарса ва ходисаларнининг ички ва ташки дунёсида акс этиб туради. Бошқача айтганда, эстетик маданият инсоният тарихий тараққиёти жараёнида эришган тажрибалари, табиатга бўлган завқий муносабатларининг намоён бўлиши, ижтимоий-рухий феноменларнинг ўзгариши билан боғлик бўлади. Шу боисдан эстетик маданиятда тарихийлик негизида вужудга келадиган моддий, маънавий, ахлоқий, диний, эстетик, сиёсий ва ижтимоий соҳаларни, шахснинг жамиятда субъект сифатида эстетик талаб ва эҳтиёжларини қондирилишини назарда тутади.

Ижтимоий тараққиётда эстетик маданият бир авлоддан иккинчи авлодга ўтиб борувчи завқли ҳаётни шакллантириб боради. Бу эса асосан адабиёт ва санъатда кўпроқ ўзини ранг-баранг қиёфаси билан шахснинг образлари, мақсадлари ва идеаллари сифатида намоён бўлади. Бу фаолиятда эстетик маданиятни шакллаштириш шахсдан улкан меҳнат талаб этади. Лекин ҳамиша ҳам шахс бирон-бир эстетик фаолият асосида ўзи мустакил билим олиши, табиат ва жамиятни ўрганиши, шахсий ҳаётида юз берадиган ўзгаришларга тайёр туриши осон кечмайди. Шу сабабли ижтимоий ҳаётдаги бадиий-эстетик ислоҳотлар шахс учун ижобий таъсир этувчи восита сифатида муҳим аҳамият касб этиб, ҳар бир шахсга йўналтириладиган эстетик ҳиссиёт негизида мулоқот

маданиятига чорлайди, ҳар бир кишини гўзаллик, завқ-шавқ оламига, ақл-идрок билан яшашга, дид билан инсон қалбидан жой олишга ундаиди.

Эстетик маданият орқали ҳар бир шахс ўтмиш меросини ўрганиб, фалсафий тафаккурини бойитиб боради ва реал ҳаёт манзараларини идрок этишга, ундан сабоқ олишга ҳаракат қилади.

1.2§. Фалсафа тарихида эстетик маданиятнинг ўрганилиши: ретроспектив ёндашув

Эстетик маданият, кенг маънода, ҳаётни фалсафий идрок этиш ва ҳаётга фалсафий-маънавий муносабатда бўлиш демакдир. Бу нарса тарихий жараён сифатида қадимдан то ҳозирги кунга қадар ўзининг бой меросини жаҳон ҳалқлари фалсафий тафаккурида ифодалаб келган. Айниқса, қадимги Хитой, Ҳиндистон, Юнонистон каби давлатлардаги ижтимоий-фалсафий фикрлар тараққиётида эстетик маданият даврлар оралиғида ретроспектив ёндашувлар ривожланган.

Бу давлатларда ўзига хос эстетик дунёкараш шаклланган. Улардаги “...қадимги эстетик маданият ёдгорликларининг мавзу йўналиши ҳам диққатга сазовордир. Асосий тасвир (коя суратлари) ва таклид (ракслар) учун овчилик касби билан боғлиқ ҳайвонлар обьект қилиб олинган. Ёввойи бука, фил, кийик тасвирларини яратиш билан қадимги одамлар улар ҳақида ўзи билган жуда муҳим хислатларини ва бу хислатларга хос ўзининг хатти-ҳаракатларини ифодалаган”¹.

Фан ва маданиятнинг юксак эстетик маданиятга оид кўринишлари қадимги Хитой ҳалқи дунёкарашида гўзаллик ҳақидаги тушунчаларида ифодаланган. Хитойликлар қадимдан ҳунармандчилик билан шуғулланишганликлари сабабли бутун дунё ҳалқлари томонидан “Чин” мамлакати деган номга сазовор бўлишган. Хитойда ижтимоий-эстетик

¹ Умаров Э. Эстетика. –Т.: Ўзбекистон, 1995. 137-бет.

фикр ривожида Конфуций (эр.ав. 551-479) алоҳида ўрин тутади. У ўзининг эстетик ғояларга бой “Қўшиқлар китоби”, “Бахор ва куз” асарларида табиатнинг хушманзара кўриниши, зилол сувлар жилваси, бутун мавжудотнинг чиройини тараннум этган. Шунингдек, инсоннинг ҳис-туйғулари туғма хусусиятлар асосида шаклланиб, жамиятда эстетик маданиятни камол топтиради, дейди. Лекин бу хусусиятлар ижтимоий ҳаёт давомида нафосат ва гўзаллик, уйғунлик ва мувофиқлик, фантазия ҳамда санъат кабиларга боғлиқ равишда ўзгариб боради, деб таъкидлайди. У эстетик маданият билан ахлоқий етуклик орасидаги муштаракликни улуғлади. Конфуций таълимотига кўра, эстетик маданиятли кишилар “...соғлом жамият яратиш учун зарур бўлган барча ижобий руҳдаги инсоний хислатлар ўз-ўзидан намоён бўлмайди, уларга эга бўлиш учун кишининг ўзини-ўзи тарбиялаши, ҳаётда ўз ўрнини топишга интилиши каби масъулиятни онгли равишда ҳис этиши керак”¹. Шахсларнинг эстетик маданиятли бўлиши уларнинг зиммаларига юкланган вазифаларни кўтаринки руҳда ва аниқ бажаришни тақозо этади.

Конфуций жамиятда шахсларнинг эстетик маданиятли бўлиши учун ўзларининг зиммаларига юкланган вазифаларини аниқ бажариш мақсадга мувофиқлигини айтади².

“Конфуций таълимоти, – деб ёзади, Э.Умаров, – қадимги анъаналарга ва аждодларга ҳурмат билан қарашга асосланган, зеро унинг қатъий ишончига кўра қадимги ҳукмдорлар доно, амалдорлар беғараз ва таъмасиз бўлиб, халқ ҳурмат ва мурувватли эди”³.

Қадимги Хитойдаги эстетик маданиятга оид фикрлар Лао Цзи (мил.ав. VI-V асрлар) томонидан илгари сурилган даосизм таълимотида ифодаланган. Унинг таълимотига кўра,

¹Низомидиднов Н. Қадимги Хитой тарихи, диний эътиқоди ва маданияти. –Т.: Fan va texnologiya, 2014. 183-бет.

² Туленов Ж. Диалектика назарияси. Т., Ўзбекистон, 2001. 20-бет.

³Эстетика асослари. –Т.: Чўлпон, 2006. 32-бет.

дао қонуни – табиатнинг яшаш қонунидир, ундаги ранг-баранглик қураши ва уйғунлиги абадийликнинг эътироф этилишидир¹. Демак, жамият ва шахс эстетик маданияти бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ҳолда тадрижий ривожланиб бориши Хитой мутафаккирларининг дикқат марказида бўлган.

Даосизм таълимотича, шахс эстетик маданияти табиат ва жамият ўртасидаги ўзаро алоқадорлик орқали уйғунлашиб кетади. Бу жараёнда “санъатни бир одамдан иккинчи одамга ўтказиб бўлмайдиган, яъни ўргатиб бўлмайдиган олий ҳодиса сифатида талқин этади. Санъат ўз ички ниятида табиатдаги ўхшашликни (айнанликни) илғаб олиш; “тутиб қолиш” қобилиятидир. Ниятнинг ўзи санъаткор қалбида бирон-бир масъулиятсиз, ҳеч қандай шакл-у шамойилсиз туғилади, шаклни эса, у ўзида (қардош) бўлган табиат билан уйқашиб (хе) кетган лаҳзада олади. Ижодий жараён барча кучлар олий даражада жамланган лаҳзада вужудга келадиган нағоҳоний “башорат” тарзида тушинилади”². Ана шу аснода табиат ва жамиятдаги гўзалликлар бир-бирини тўлдириб, ўзгариб боради. Лао Цзи эстетик ғояларнинг жамиятда қарама-қаршиликлар асосида амалга ошишини эътироф этади. Бинобарин бу таълимот негизида шахснинг камолоти жамиятдаги ижтимоий-эстетик ҳодисалар билан боғлиқ, деган фалсафий ғоя ётади.

Шахс эстетик маданияти тўғрисидаги ғоялар қадимги Ҳиндистон халқи ижтимоий ҳаёти билан узвий боғлиқ ҳолда шаклланган. Қадимги ҳиндлар томонидан мил. ав. уч мингинчи йилларда яратилган дастлабки эстетик маданият намуналари “Рамаяна”, “Маҳобхорат”, “Калила ва Димна”, “Ведалар” каби машхур асарларда шахснинг жамиятда тутган ўрни, эстетик тасаввурлари, маданияти ҳақидаги қарашлар ўз аксини топган. Асрлар давомида “веда оҳанглари замирида дунёвий мутоз мусиқа яратилиб, ундан сўнг эса, шу аснода

¹Фалсафа асослари. –Т.: Ўзбекистон, 2005. 56-бет.

²Sher A. Estetika.–Т.: O'zbekiston, 2014. 41-бет.

замонавий асарлар ёзишга ўтилган. Ведалар тизимидағи иккинчи қисмнинг маҳсус мусиқий охангларга бағищланиши, ҳинд сарзаминида нишонланадиган барча диний ва миллий байрамларнинг күй ва қўшиқлар жўрлигига ўтказиш анъанасига диний эътиқод томонидан расман кенг йўл очиб бериланганд”¹ лиги шахс эстетик маданиятининг мукаммаллиги билан кишини ўзига жалб этади.

Бу даврларда ҳиндларда мусиқа санъати кучли ривожланган. Ҳиндлар энг қадимий, нихоятда ўзига хос мусиқа маданиятига эга. Азалдан ҳиндларда ҳар қандай мусиқа асари анъанавий усул-ритм йўлларидан бири рагалар асосида яратилган. Рага - ҳинд мусиқа эстетикасида асосий тушунча, унда ҳар бир сўз чукур маънога, маълум бадиий образга эга. Масалан, рага васанта-баҳорни ифода қилади, рага-камала нилуфарни билдиrsa, рага-ширингара севги туйғусини ифода этиади ва ҳоказо.

Қадимги ҳиндлар эстетик маданиятининг ижтимоий-фалсафий асослари мукаддас “Ведалар”да ёрқин ифодаланган. Унда эстетик маданиятнинг ўзига хос хусусиятлари, фалсафий-эстетик ғоялар, “нафақат диний йўналишда, балки кўхна ҳинд фалсафаси, хуқушунослиги, психологияси, этика ва эстетикаси, табиати, тили, урфодатлари ва ижтимоий ҳаёт шакллари”² ифодаланган. “Ведалар”да турли хил ҳалқ оғзаки ижоди намуналари илоҳий күй ва қўшиқлар, мадхиялар тарзида ифодаланган. Бундан ташқари, ҳинд мактабларида эстетик маданиятнинг турли кўринишларига ҳам катта аҳамият берилади. Хусусан, қадимги йога мактаби ҳақидаги манбаларда бундай дейилади: “...машқни бажариш вақтида айрим лаҳзаларда туюладиган нихоятда ёқимли ва ҳузурли туйғулар, кишининг рухиятидаги тетиклик, енгиллик, баҳтиёрлик ва хотиржамлик ҳиссиятларини бағищлайди”³. Бу ерда йолгарнинг майший

¹Низомиддинов Н. Қадимги Ҳиндистон тарихи, диний эътиқоди ва маданияти. –Т.: Fan va texnologiya, 2014. 404-бет.

²Ўша асар. 86-бет.

³Ўша асар. 180-бет.

турмуш эстетикасига хос овқатланиш завқи ва лаззатланиш туйғулари ўз ифодасини топган.

Агар “Ведалар”да эстетик ғоялар илохий кучга буйсунишни талаб этса, Чорвака-локаятчилар дунёвий лаззат ва завқ-шавқни эстетик маданият марказига қўядилар: “Бизга тааллуқли бўлган мавжуд лаззатлардан фойдаланиш ва иложи борича бизга азоб-уқубат, ғам-андух келтирувчи нарсалардан ўзимизни тортишимиз керак”¹. Ана шундагина шахс ўзининг баҳт-саодати ва фаровон ҳаётини таъминлаб, эстетик маданиятини теварак-атрофдагиларга намойиш эта олади.

Қадимги хинд файласуфи Капила шахс эстетик маданияти маънавий камолот чўққиси эканлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, ҳар бир инсон дунёда қийноқ-азобдан халос бўлишга интилиши лозим. Лекин бунга гўзал хотинга эга бўлиш, бойлик тўплаш, яхши уй-жойли бўлиш билан эришилмайди. Гарчи бойлик тўплаш бир мунча камолотга эришишга имкон туғдирса-да бу олий камолотга етишиш деган сўз эмас. Бойлик, ҳокимият, булар барчаси ҳароб ва йўқ бўлишга маҳкум. Хотинларнинг ёшлиги, ҳам гўзаллиги ўткинчи. Бу хил нарсалар ҳаёт азоб-уқубатларидан халос бўлишга асос бўла олмайди, деб таъкидлайди. Шу боис, шахс эстетик маданияти жамиятда барча нарсалардан устун туриб, маънавий-руҳий тетиклик баҳш этади.

Қадимги дунё эстетикаси юонон фалсафасига монанд ҳолда вужудга келди. Шу асосда тартибга солинган кўплаб эстетик назариялар шаклланиб, шахс эстетик маданиятининг турли-туман эстетик ғоялари ва фикрлари ривожланишига замин бўлиб хизмат қилди. Мана шундай эстетик маданиятни юонон фалсафий мактаблари Милет, Элей ва файласуфлари Пифагор, Гераклит, Эмпедокл, Анаксагор, Демокрит, Сукрот, Афлотун, Арасту кабилар илгари суришди.

Қадимги Юнонистондаги фалсафий фикрлар тараққиётида шахс эстетик маданиятининг ижтимоий-фалсафий асослари бир қатор файласуфлар ижодида ёрқин

¹ Йолдашев С.А. Антикфалсафа. –Т.: 1999. 13-бет.

ифодаланган. Хусусан, Милет фалсафий мактабининг асосчиларидан Фалес (мил.ав. 624-547 й) эстетик ғояларни илохиёт билан боғлайди. Унингча, “...коинот ҳамма нарсадан гўзалроқдир, зеро, у Худонинг кароматидир”¹. Шахс эса ана шу кароматдан баҳраманд бўлиб, ўз гўзал туйгулари ва тушунчаларининг эстетик маданиятини шакллантиради.

Милет мактабининг вакили Анаксимандр (мил.ав. 610-546 й) Фалесдан фарқли равища ўзининг эстетик қарашларида “хиссий идрок этиладиган олам ҳодисаларнинг бирламчи асосини”² ташкил этади, дейди. Бу идрок жараёнида шахснинг гўзаллик тўғрисидаги хиссий қобилияtlари шаклланади.

Яна бир милетлик файласуф Анаксимен (585-525 й) шахс эстетик хиссиётига таъсир этадиган жиҳатларни “...инсон ва жонзорлар танасига қувват берадиган ва яхлитлигини сақлайдиган ҳаёт нафасини осмон ёритгичлари ва коинотни қўллаб-қувватлаб турадиган ҳаво билан қиёслайди”³.

Қадимги юононда эстетик маданият тушунчасининг шакланишига катта таъсир кўрсатган файласуф ва математик олим Пифагор (эр.ав. 580-500) эди. Пифагор ва пифагорчилар оламдаги нарса ва ҳодисалар моҳиятини рақамлар билан тушуниради. 1 рақами оламдаги ҳамма нарса ва ҳодисаларнинг нафосат оламининг асосидир, 2 рақами табиатдаги қарама-қаршиликлар, яъни гўзаллик ва хунуклик, ёруғлик ва зулмат, эркак ва аёл каби тушунчаларнинг асосидир, деб таъкидлашади.

Пифагорчиларнинг фикрича, ер дунёвий оловсимон марказ атрофида айланиб, алоҳида баландликка эга бўлган монотон товуш чиқаради. Масалан, ойнинг товуши баланд ва ўткир. Сатурннинг товуши энг паст. Бу товушлар биргаликда ҳамоҳанг куйни яратади⁴. Пифагорчилар нафосат асослари ва

¹ Фарб фалсафаси. –Т.: Шарқ, 2004. 16-бет.

² Ўша асар. 17-бет.

³ Ўша асар. 19-бет.

⁴ Юлдашев С.А. Антикфалсафа. –Т.: 1999. 26-бет.

мусиқавий оҳанглар ҳақидағи фикрларини математика тили ва ҳисоби орқали ифодалашга ҳаракат килганлар ва шу асосда эстетик маданият назарияси учун ниҳоятда зарур бўлган гармония ва дисгармония ҳақидағи таълимотни ҳам илгари сурғанлар.

Эстетик маданият ривожида Гераклит (эр.ав. 530-470) юонон фалсафасида янги эстетик ғояларни илгари сурди. Унингча, нафосат моддий дунёнинг ўзидан келиб чиқади, яъни барча гўзаллик дунёвий олов асосида вужудга келади. Гераклит нафосат нисбийлигини тушунтиради. У кишиларнинг ҳаёти – “балаларнинг ўйинига” ўхшайди. Улар ўз хоҳишларининг қулидирлар. Бахт тананинг фароғатидан эмас, балки тўғри фикрлаш ва тўғри гапириш, шодлик ва хуррамлик, табиатга мувофиқ ҳаракат қилишдан иборатдир.

Гераклит учун шахснинг юксак эстетик ғояларга эга бўлиши моддий дунёга боғлиқ. “Унингча, нафосат моддий дунёнинг ўзидан келиб чиқади, яъни барча гўзаллик дунёвий олов асосида вужудга келади. Гераклит нафосат нисбийлигини тушунтиради. У кишининг ҳаёти – “балаларнинг ўйини”га ўхшайди. Улар ўз хоҳишларининг қулидирлар. Бахт тананинг фароғатидан эмас, балки тўғри фикрлаш ва тўғри гапириш, шодлик ва хуррамлик, табиатга мувофиқ ҳаракат қилишдан иборатдир”¹. Шахснинг эстетик маданияти ҳаёт сингари ранг-баранг ва диалектик қарама-каршиликлар орқали шаклланади, деган ғоя ётади.

Гераклит инсон маънавий камолотида ҳиссий ва мавхум билим тўплашга, эстетик маданият ҳар иккаласини бирга олиб бориш лозимлигини таъкидлайди. Чунки, ҳиссиёт, жисмнинг табиати ҳақида узил-кесил билим беролмайди. Тўлиқ билимни фақат тафаккур бера олади, дейди. Демак, тафаккур устунлиги, тафаккур орқали ҳиссиёт маъносини, аҳамиятини идрок этиш шахснинг ҳақиқий нафосатни ажратиб олишга имкон беради.

¹ G’aybullayev O. Estetika.O’quv-uslubiy qo’llanma. –Samarqand: SamDCHTI, 2019. 20-21-betlar.

Инсоннинг ҳиссиёти, тафаккури ва фаолиятининг ижтимоий-тарихий амалиёт ва тараққиёт билан боғлиқлигини образли тарзда идрок этган Элей мактабининг асосчиси Ксенофон (мил.ав. 565-473 й) шундай деган эди: “Агарда буқалар, отлар ва шерлар инсон каби қўлларга эга бўлганларида эди, унда инсонларга ўхшаб тасвирий санъат асарларини яратишлари мумкин эди. Отлар худоларни отларга, буқалар эса худоларни буқаларга ўхшатиб чизардилар ҳамда уларнинг жисмий тузилишини ўзларининг жисмий тузилишига ўхшатардилар”¹, деб таъкидлайди, файласуф.

Элей мактабининг вакилларидан яна бири Парменид (мил.ав. 540-V аср) эстетик маданият, шаклланишининг мураккаб жараён эканлигига эътибор қаратиб, шахс эстетик маданиятининг юксак намунаси факатгина “кўрган, эшитган, сезган нарса эмас, балки кўринмайдиган, сезиб бўлмайдиган оламгина”² ҳам бўлиши мумкин, деб таъкидлайди. Парменид эстетик ҳиссиётлар, тасаввурларни ахлоқий тушунчалар билан боғлик эканлиги ҳақида фикр юритиб, “коинот марказида Ҳақиқат ва зарурият туради. У сайёralар ва юлдузлар ҳаракатини бошқаради. У барча худолардан аввал Эрос-мехр-оқибат маъбудасини яратган. Эрос туфайли одамлар ўзаро ҳамкорлик, ҳамжиҳатликка интиладилар, ўз мақсадларига эришадилар”³, дейди. Бу жараёнда Эрос шахсларнинг эстетик маданиятини тартибга солади, жамиятдаги қонуниятларни гўзалликка буйсунишга даъват этади.

Сициялик Эмпедокл (490-430й)нинг ўз эстетик қарашларида гўзалликнинг мураккаб тасаввур эканлигига ишора бор. Унингча, “бирлик ва кўплик, муҳаббат ва ёвузлик каби қарама-қарши кучлар бир пайтнинг ўзида мавжуд бўлмай, навбатма-навбат мавжуд бўлади”⁴. Демак, инсоннинг

¹ Юлдашев С.А. Антиклифасафа. –Т.: 1999. 27-бет.

² Рассел Б. История западной философии. –М.: Наука, 1999. -с.76.

³ Фалсафа лугати. –Т.: 2004. 323-бет.

⁴ Юлдашев С.А. Антиклифасафа. –Т.: 1999. 35-бет.

эстетик маданияти ҳар хил вазият ва кайфиятларни акс эттириб, ҳамиша ундаги ижтимоий ўзгаришларга ҳамоҳанг равишда янгиланиб боради.

Эмпедокл шахсий ҳаётида ҳам эстетик жиҳатдан ранг-барангликка интилган, ўз шахсий кўрки ва қўринишига алоҳида эътибор берган. Масалан, Олимпия ўйинлари бўлаётган жойда у пайдо бўлар экан, унга қараб кўпларнинг югуриб борганлари, талпингланлари ҳақида афсоналар тўқилган. Унинг кийим-кечаги ва ташки қўриниши ўз шуҳратига мос бўлган, у коҳинлар киядиган уст-бошда, олтин кайиқда, тож кийиб юрган, унинг атрофида, одатда, кўплаб мулоzимлари бўлишган¹.

Қадимги даврнинг эстетик маданияти ривожига улкан хисса қўшган файласуф Анаксагор (мил.ав. 500-428 й) шахс эстетик маданиятини Афинада кенг ёйишга интилди. Шу боисдан, “...моддий олам нарсаларида мавжуд бўлган сифатлар айни вақтда, алоҳида олинган бўлакда ҳам, моддий зарраларда ҳам мавжуд бўлади. Нарсада қайси сифат устунлик қилса, бизнинг туйғуларимиз шу сифатни идрок этади. Масалан, олтин деганда унда олтин “уруги”нинг кўплиги тушунилади”². Унинг таълимотида эзгулик сифатида осмон жисмларининг воқеликни асоси сифатида эътироф этилиши, шахснинг юқори чўққига кўтарилишига ижтимоий-фалсафий ғояларнинг роли катталиги масалалари алоҳида таъкидланади. Анаксагор ўзи ҳар томонлама мукаммалликка эришган шахс сифатида барча инсонлар учун намуна бўлиб, жамиятда эстетик маданиятни ривожига катта ҳисса қўшди.

Демокрит (эр. ав. 460-370) фалсафий қарашларига кўра атомларнинг турли хилдаги қўшилишларидан маза, ранг, товуш ҳосил бўлади. Масалан, маза Демокрит таъкидлашича, атомларнинг муайян шаклларини сезишdir, ширин маза нарса думалоқ шаклдан иборат бўлса, нордон маза нарса эса катта шаклга эга кўпқиррали, ғадир-будир атомдан тузилган.

¹ Фарб фалсафаси.-Т.: Шарқ, 2004. 45-бет.

² Ўша асар. 51-бет.

Ҳаводаги бир хил атомларнинг зичлашиши рангни келтириб чикаради. Бениҳоя кўп “туғилиб ва ўлиб турадиган” нафосат олами шу тарика содир бўлади, бу оламдаги гўзалликларни худо яратмаган, балки уларнинг нозик жиҳатлари атомларга боғлик. Демокрит ҳар бир нарсани мутаносиблиқ, яъни меъёр ташкил этади, дейди. Бу мутаносиблиқ инсоннинг эзгу ва баҳтли ҳаёти учун ҳам зарурдир. Гўзаллик – меъёр сақланишини, ўртачаликни тақозо этади. У айтадики, менга на ўта гўзаллик ва на ўта хунуклик ёқади, балки барча нарсалардаги нафосат меъёри билан бўлсин.

Ҳайкалтарошнинг ўғли бўлган Суқрот (эр.ав.469-399) софистлар фалсафасига қарши чиқиб, фалсафада ўзликни англаш тамойилини илгари сурди. У кўпроқ ахлоқ масалаларига эътибор берган бўлса-да, ахлоқий ва эстетик тушунчаларнинг (яҳши ва ёмон, адолат ва адолатсизлик, гўзаллик ва хунуклик ва ҳоказо) нисбийлигига катта аҳамият берган. Бир ўринда гўзал бўлган нарса бошқа вазиятда хунук, бир жойда яҳши нарса, бошқа ўринда хунук бўлиши мумкин. Бу тасаввур негизида билим ётади, инсон тажрибаси ётади. Унингча, инсоннинг яшаши санъатдан иборат. Ҳаёт бу санъат, санъатни тизимлаштиришда санъатнинг ўзи бўлиши лозим, дейди. “У инсонни санъатнинг асосий обьекти сифатида олиб қарайди, санъатнинг эстетик ва ахлоқий мезонлари масаласини ўртага ташлайди ҳамда шулар орқали ижобий жараённи очиб беришга уринади”¹. Шахс ўзининг эстетик маданиятини худоларга ишониб борлиқнинг барча тухфаларидан воз кечиши орқали эмас, балки улардан баҳраманд бўлиб намоён этиши мумкинлигини таъкидлайди.

Суқрот учун эстетик фаолият муайян мақсад ифодаси. Гўзаллик нарса ва ҳодисаларнинг мутлақ хусусияти эмас. гўзаллик маълум мақсад орқали рӯёбга чиқади. Бу нарса вазиятга қараб гўзал ё хунук бўлиши мумкин. Чопища гўзал бўлган нарса, курашда хунук бўлади ва ҳоказо.

¹ Sher A. Estetika.–Т.: O’zbekiston, 2014. 44-бет.

Сүкрот учун гўзаллик билан яхшилик ўртасида фарқ йўқ. Тўғри, Гераклит ҳам гўзалликнинг нисбийлиги ҳақида гапирган, аммо у гўзалликни турли нарса ва ходисаларда кўрган.

Сукротнинг эстетик маданиятга доир фикрлари унинг ахлоқийлик билан гўзаллик тушунчаларининг муштараклигини, инсон руҳи ва жисми уйғуналиги зарурлигини таъкидлашда ўз ифодасини топган.

Афлотун (эр. ав. 427-347) таълимотига кўра барча, хиссий идрок этиладиган нарсалар ўткинчи, ўзгарувчан, нисбий, бу нарсаларнинг сояси бўлган “ғоя”лар эса абадий.

Афлотун Сукрот фикрига қўшилмаган ҳолда гўзаллик – бу чиройли нарса “ғоя”сидир, дейди.

Афлотун эстетикасида гўзаллик категорияси марказий ўринни эгаллайди. Фоя муайян ҳиссий нарсаларга тааллукли бўлсагина уларни безаб, гўзаллик баҳш этади. Ҳақиқий гўзаллик ғояларда мужассам, нарсаларда эмас, у хиссий оламга қарама-карши, вакт ва макондан ташқарида, ўзгармайдиган ходиса.

Афлотун гарчи тасвирий санъат ва поэзияда табиатга тақлид қилиш ва ҳиссий образли тасвирга интилишни камситса-да, санъатнинг инсон маънавияти, эстетик маданиятини юксалтиришда бадантарбия ва мусиқанинг аҳамияти катта эканлигини тан олади.

У “Давлат” ва “Қонунлар” асарларида мусиқани инсонга таъсирини икки ҳолатга ажратади: “тартибга соловучи” ва “фарофатбаҳш”. Биринчиси – одамларни тарбиялайди, иккинчиси – бузади. Лекин Афлотуннинг “Қонунлар” асарида қайд этган мусиқа дуч келган одамларга эмас, энг яхши одамларга, яхшигина тарбия кўрган одамларга роҳат бағишлайди, деганда, гарчи жамиятнинг задагон шахсларини кўзда тутган бўлса-да, бу фикрда мусиқанинг инсон эстетик маданиятини юксалтириш, тарбиялаш тўғрисидаги ғоя ётади.

Афлотун кишилардаги мусиқага бўлган мойилликни ундан хабардорлик билан қўшиб олиб бориш тарафдори эди. Ана шунда мусиқа инсон табатини, руҳини тартибга солади.

Бунга юононларда машхур бўлган оммавий рақслар ва сурнай наволарини мисол қилиб кўрсатади ва гўзаллик, хунуқлик, беъманилик нималигини тушунтиради. Гўзаллик – бу турли мусиқалар, яхши фазилатлар, одамлар ҳавас қиласидиган нарсаларнинг тартибидир, дейди. Ҳиссий роҳат сари интилиш инсон руҳиятини бузади. Масалан, агар ёшлар майшатга ўрганиб, қонунга зид равишда дилхиралик қилиб ва роҳатланиб юрсалар, эстетик маданиятлари бузилиб, беъманиликлар келиб чиқади, дейди Афлотун.

Афлотун жамиятдаги эстетик маданиятни гўзаллик билан боғлар экан, “гўзаллик аниқ предмет, нарса ва вокеликка нисбатан таққосланган нисбийликдан келиб чиқади. Шунинг учун ҳам гўзалликни инсон ақл билан англайди. Давлатни бошқарувчи шахслар аввалимбор ана шундай сифатларга эга бўлишлари керак”¹, дейди. Унингча, ҳар бир шахс гўзаллик орқалигина ўзини жамиятда намоён этишга кўпроқ ҳақлидир. Чунки шахснинг эстетик маданияти гўзалликсиз, унинг ғайриҳиссий кўринишсиз халқа ижобий таъсир этмайди. Бундай ҳолатни фақатгина юононлар амалга ошириши мумкин. “Барча юононлик бўлмаган халқлар қай даражада маданиятга эришганлигига қарамай ва сиёсий етуклигига қарамай барибир ваҳшийдирлар”² – дейди файласуф.

Афлотуннинг шогирди Арасту (мил.ав. 384-322 й) қарашларида шахс ва унинг эстетик маданиятига оид кўплаб ғоялар илгар сурилган. Устози Афлотун сингари гўзалликни таҳлил этаркан, Арасту “...гўзаллик ғояларда эмас, балки реал предметларда, улар билан муҳим алоқа ва ўзига хосликдадир”³ дейди. Унингча, гўзаллик оламдаги тартиблик, меъёрлик ва аниқлик асосида келиб чиқади. Гўзаллик ўз жилвасини барча нарса ва ходисаларда акс эттириб, шахсни эстетик маданият сари чорлайди. Бундай жиҳат шахснинг

¹ Фалсафа лугати. –Т.: 2004. 327-бет.

² Юлдашев С.А. Антикфалсафа. –Т.: 1999. 78-бет.

³ Ўша асар. 133-бет.

ривожланиши, санъат асарларини ўрганиб боришда мукаммал фазилатларни шакллантиради.

“Табиат, дейди Арасту, – жоннинг ҳамма қисмларини бирга боғлади, шунинг учун тарбияда биз унга риоя қилишимиз керак ва шахсни ҳар томонлама, уйғун рухда тарбиялашимиз лозим. Шахсни тарбиялашнинг умумий тизимида эстетик тарбия катта роль йўнайди”¹. Шундай экан, Арасту шахс эстетик маданияти тарбиянинг маҳсули сифатида майдонга келишини, ҳар бир шахс эстетик идеали орқали табиатни англаб етишини таъкидлайди. Унинг эстетик қарашларига кўра, эстетик маданиятнинг жамиятда доимо ривожланиб бориши узлуксиз бўлиб, “шахснинг уйғун ривожланиш масаласи фақат муайян ижтимоий шароитда, яъни иқтисодий, сиёсий ва маданий шарт-шароитлар бўлганда гина амалий ҳал этилиши мумкин”². Шунинг учун Арастунинг шахс эстетик маданиятига бўлган муносабати бевосита санъат асарларининг тарбиявий моҳияти ва имкониятлари билан боғлиқ.

Арасту эстетик таълимотига кўра, санъат шахсни ҳаётга қизиқишини кучайтиради, нафис ва нозик ҳис-туйгуларни шакллантиради. Шу асосда инсон гўзаллик оламига кириб боради ва жамиятда баҳтли ҳаёт, қувонч, ҳаётдан завқланиш, эҳтиросли кайфиятни кечиради.

Арасту мусиқанинг инсон эстетик маданияти юксалишидаги аҳамиятини таъкидлар экан, у мусиқанинг жамиятдаги ижтимоий-маънавий вазифаларига алоҳида эътибор қаратади: биринчидан, мусиқа тарбия учун зарур; иккинчидан, инсон руҳини поклантиради; учинчидан, таранг фаолиятдан чиқиб, дам олишга чорловчи интеллектуал овутиш вазифасини ўтайди; тўртинчидан, даволайди ва қўнгилни очади; бешинчидан, раҳм ва қўркувдан фориғ этиб, инсон қўнглини кўтариб, унга роҳат баҳш этади. Бундай инсон маънавиятида содир бўладиган ўзгаришлар

¹ Фарб фалсафаси. –Т.: Шарқ, 2004. 167-бет.

² Ўша жойда.

пировардида шахсни ҳар томонлама камолотга етишига, эстетик маданиятли бўлишига хизмат қилади.

Фарбий Оврупа мамлакатларида ўрта асрларда шахс маънавий камолоти ва эстетик маданиятига муносабат илоҳий эътиқод билан чамбарчас боғлаб тушунтирилган. Бу давр файласуфи авлиё Августин Аврелий (1354-1430)нинг эстетик қарашлари христиан дини билан боғлиқ бўлиб, оламдаги барча нарсалар, хусусан, шахснинг эстетик маданияти худонинг гўзаллиги ва соф вижданлиги рамзидир, дейди. Унинг “Гўзал ва фойдали нарса ҳақида” деб аталган эстетикага оид трактатида худо яратган гўзалликни одамлар яратган гўзалликдан аъло деб хисоблайди. Борлиқдаги гўзаллик нарсаларнинг ранг-баранг кўринишда, шахсда эса маънавий-ахлокий камолоти тарзида намоён бўлади. Жамиятда кишиларнинг гўзаллик қобилиятларининг ўсиши маънавий йўл орқали, яъни “Бахтли ҳаёт”да ўз аксини топади. Бахт эса адабиятга дахлдор туйғулар, тасаввурларга эга бўлишdir. Маънавий қадриятлар эстетик маданият, муҳит билан умумийликда қарор топади, кишиларнинг бир-бирига кўмак бериши тенглик ва мутаносиблик белгисидир, дейди. Шахс юксак маданиятга эришиш учун “бахт” ғоясига содиқ қолиши зарур. “Августин эллинистик фалсафа билан ҳамоҳанг тарзда инсон ҳаётининг мақсади ва мазмуни баҳс-саодатга эришиш эканлигини эътироф этади. Бахтнинг калити худо. Инсоний баҳтга эришиш Худони билиш ва рухни турли-туман синовлардан ўtkазиш орқали амалга ошади”¹, дейди. Августин таълимотида худо барча нарсанинг негизи бўлиб, олий баҳт ғояси эстетик маданият учун интилишда инсон маънавиятида катта роль ўйнайди.

Ўрта аср файласуфи ва илоҳиётчиси Фома Аквинский (1225-1274 й)нинг эстетик маданият тўғрисидаги қарашлари динни жамиятда шахсларни бошқарувчи куч сифатида талқин этиш билан боғлиқ. Қачонки, жамият ва давлат юқори даражадаги эстетик маданиятга эга бўлса “фуқароларнинг

¹ Фарб фалсафаси. –Т.: 2004. 9-бет.

фаровонлигини таъминланади. Давлатнинг ташқи мақсади ва мазмуни эса самовий роҳат-фароғатга эришишдир. Бунга эса фуқароларни давлат эмас, черков етаклайди”¹. У маънавий гўзаллик ва ҳиссиёт, табиат гўзаллиги, худонинг гўзаллигидан намуна олишини, олам нафосати объектив ва субъектив характерга эга эканлигини айтади. Гўзаллик кишини ўзини идрок этиб, завқ, лаззат ва роҳат кайфиятларини бошидан кечиришдан пайдо бўлади. Бу нарса, ўз навбатида, инсоннинг нарса ва ходисаларни ҳиссий-эстетик ўзлаштириб эстетик маданиятини юксалтиришда намоён бўлади, дейди у.

Аквинскийнинг санъат ҳақидаги карашлари антик давр эстетик ғояларига узвий равишда боғланган. Санъат инсонга табиат гўзаллигини билишда ва ҳис қилишда, нафосат оламини тушуниб етишда катта ёрдам беради. Санъатнинг вазифаси гўзал образларни яратиш, нарсаларнинг мутлақо ранг-баранг кўринишларини ва шу тариқа инсон маънавиятини шакллантиришдан иборатdir, деган фикрларни билдиради.

Уильям Оккам (тах. 1300-1349 й) ўрта асрлар инглиз фалсафасининг йирик вакилидир. Унинг фалсафасида эстетик маданият масалалари инсоннинг шахсий ғоялари, карашлари билан узвий боғлиқ. Оккамнинг эстетик таълимотида индувидуалистик қарашлар биринчи ўринда туради. Унинг фикрича, жамиятнинг равнақи унинг аъзолари – алоҳида одамларнинг баҳтли бўлишини билдиrmайди. Жамият аъзоларининг эстетик маданияти муштарак маънавий-фалсафий дунёқарашилар йиғиндисидан ташкил топади.

Европа Уйғониш давридаги ижтимоий-фалсафий қарашларда шахснинг жамиятда тутган ўрни ва ролига катта аҳамият берилган ҳамда турли мағкуралар ва ғоялар кураши жараённida эстетик маданиятга кенг ўрин ажратилган. Маълумки, бу даврда ҳар бир шахснинг эркин фикрлаш маданияти, воқелик ҳақидаги фалсафий дунёқарashi ахлоқий-эстетик тасаввурлари янгиланди, жамият маданияти ривожи

¹ Фарб фалсафаси. –Т.: Шарқ, 2004. 246-бет.

ошади, янги түлқин –инсонпарварлик түлқини вужудга келди. Бунинг натижасида Уйғониш даври эстетикасида инсонпарварлик гоялари улуғланди, бадиий ижодда уйғунлик ва мувоғиқлик, гүзәллик ва улуғворлик, санъатнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни каби масалалар эстетик-фалсафий тафаккурда қалқиб чиқди. Бу пайтда бир қанча буюк мутафаккирлар Петрапка, Бокаччо, Альберти, Донателло, Леонардо до Винчи, Микеланджело, Рафаэль, Франсуа Рабле, Э.Роттердамский, Шекспер, Серванtes кабилар етишиб чиқди. Улар ўзларининг бадиий ва санъат асарларини яратиб қолдирдилар ва Уйғониш давридаги ҳаётбахш санъат ва маданиятини вужудга келтиришди.

Инсон шахсини улуғловчи фикр-мұлоҳазалар, гүзәлликни мадх этувчи бадиий асарлар вужудга келди. “Ренессанс даври адабиёти ва санъатида ҳар қачонгидан кўра якка киши шахсига эътибор кучайди. Бундай ҳолат Ренессанс даврида шахс деган тушунчанинг расман шаклланишига туртки бўлди. Шахс тушунчаси индивид тушунчаси билан баб-баробар ишлатила бошланди. Шунингдек, Уйғониш даври адабиётларида шахс деганда кишининг хатти-ҳаракатлари, хулқ-авторидаги масъулиятни сезиш қобилияти тушунилди. Шахснинг эстетик диidi, ахлоқ-одобига хос қирраларининг ривожланиши ҳам бир-бирига ҳамоҳанг бўлиши зарур”¹ эканлигига эътибор қаратилди.

Уйғониш даври ижодкорлари фаолиятида эстетик маданият ўзининг кўп қирралиги билан шахс ҳаётига боғлиқ бўлди. Бунда ҳар ҳил оқимлар вужудга келиб, улар бир-бири билан тўқнашди. Бу давр эстетик маданияти хайкалтарошлиқ, рассомлик, мусиқа санъати ва адабиётда шаклланди. Натижада, янгича руҳдаги шахс эстетик маданиятнинг тушунчалари, қарашлари ва тасаввурлари жамиятга кириб келди.

Ренессанс даврининг дастлабки файласуфи Данте Алигьери жамият эстетик гояларининг шахс ҳаёти билан

¹ Фарб фалсафаси. –Т.: Шарқ, 2004. 267-бет.

узвий боғлиқ эканлигини таъкидлади. Унинг фикрича, шахснинг эстетик маданиятли бўлиши “ҳаётнинг гўзаллигини тушунишга, уни чинакамига севишга, жамият ҳаётида фаол иштирок этишга, халқ, Ватан манфаатини ҳимоя қилишга, уни кўз қорачигидек сақлашга чақиради. Дантели ҳаётнинг гўзаллиги, унинг маъно ва мазмунини инсонпарварлаштириш қизиктиради”¹. Данте таълимотига кўра, шахснинг эстетик маданияти унинг жамият билан нечоғлик чамбарчас боғлиқ эканлигига, шунингдек, жамиятнинг қанчалик инсонийлашганига боғлиқ. Инсоннинг эстетик маданияти билан жамиятнинг инсонийлашув жараёни доимо ўзаро келишув ва ҳамкорликни тақозо этади.

Альберти бу ҳақда сўз юритиб, очкўз кўзлар гўзалликка интилиб, жиддий ҳаётни ўзгартиради. Ҳаётдан эстетик маданиятни излаб топишга ҳаракат қиласди. Билмадим улар ниманидир топишга интилади. Йўқ нарсани излаб, бор нарсага қарамайди, воқеликдаги санъатни тушунмайди, инсон меҳнатининг қадрини узокдан излайди. Айрим пайтда улар ҳаётдаги эстетик маданиятни тушунтиrolмайди, гўзалликка бўлган чанқофини ўzlари ҳам қондиролмайди, дейди. Аслида, улар топишга интилаётган ҳаёт олдида турганлигини тушунмаслигининг оқибатидир.

Уйғониш даврининг илк инсонпарварлик ғоялари билан уйғунлашган эстетик маданиятни илгари сурган Франческо Петрарка (1304-1374)дир. Унинг эстетик, адабий ва сиёсий қарашлари “Ҳаётдан безиш”, “Ёлғизликдаги ҳаёт”, “Ўзим ва бошқаларнинг жоҳиллиги ҳақида”, “Авлодларга мактублар” деб аталган рисолаларида ўз ифодасини топди. Ўзининг бадиий асарларида ишқий лирика, ватанпарварлик рухи билан суғорилган шеърлар ёзди. Петрарка биринчи бўлиб Оврупа поэзиясида христиан лирикасини ва дунёвий ишқни куйлади. Унинг бир қатор лирик шеърлари ўзбек тилига ҳам таржима қилинган.

¹ Фарб фалсафаси. –Т.: Шарқ, 2004. 272-бет.

Оврупа Уйғониш даври адабиётининг йирик намоёндаси Жованни Бокаччо (1313-1375) нафосат ҳақидаги ғояларини ўз асарларида илгари сурди. Дастрлабки асарлари “Филоко ло”, “Филострасо”да севги саргузаштларини ифодалади. “Амето”, “Фъезолан парилари” асарида дунёвий ишқ-муҳаббатга қарши бўлган диний қарашларни масхаралади. Юзта новелладан изборат “Декамерон” тўпламида оддий инсон ва унинг муҳаббатини улуғлади, котолик черкови ақидалари ҳамда руҳонийларининг кирдикорларини фош этиб, ўша давр Италия воқелигининг ҳаққоний манзарасини яратди. Бу тўплами билан Бокачча бутун дунёга машҳур бўлди.

Леон Баттиста Альберти (1404-1472) буюк итальян архитектори, санъатшуноси ва адабиётчисидир. У Уйғониш даврининг архитектори сифатида биринчи бўлиб, черков қурилишларини замонавий Рим меъморчилиги асосида безади. Альберти архитектура ва санъатга оид “Ҳайкал”, “Рассомлар”, “Меъморчилик” каби трактатларини яратди. У илмий изланишлари давомида рассомчиликнинг моҳияти, қадимий юонон-рим сарчашмалари, замонавий санъатнинг ижодиётдаги ўрнини кўрсатиб берди. Ўз қарашларида ўрта аср анъаналаридаги эстетик маданиятнинг ижтимоий ҳаётдаги ролини ақлий жиҳатдан таҳлил этиб берди.

Фарбий Оврупа Уйғониш давридаги итальян рассоми ва файласуфи Леонардо до Винчи (1452-1519) эстетик тафаккур ривожида катта хизматини намоён этди. У мусаввирлик санъати негизида шахс гўзаллигини очиб беришга интилди. Унингча, буюк рассом табиатда инсонни эстетик баҳраманд қилувчи функцияни бажаради. Леонардо рассом учун ҳиссиятларга асосланиш муҳимлигини таъкидлайди. Ойнага ўхшаб, кўрганини ўйламасдан тасвиirlайдиганни рассом деб бўлмайди, дейди. Унинг яратган санъат асарларида дунёни билишга интилиш, шахс эстетик маданиятининг санъатдаги роли ва ўзига хос хусусиятларини очиб берди. Санъатнинг инсонлар ўртасидаги мавқеини воқеликдаги гўзалликни излаб топиши билан боғлади. Умуман олганда, Леонардо до Винчи жамият ҳаётидаги эстетик маданият санъат асарларида ёрқин

акс этишини, ташқи күринишдан жозибадор, жилвали, нозик табиатни маънодор оҳангি сезилиб туришини таҳлил этади.

Ўйғониш давридаги буюк рассомлардан бири Рафаэль Санти (1483-1520) бўлиб, бутун вужуди билан гўзал бўлган инсонни – унинг чиройли ва бақувват қадди-қоматини, юксак ақл-заковатини, олижаноб характерини тасвирлашга интилди. Ёш Рафаэль ўз санъат асарларида бино ва иншоатларнинг кўркам намуналарини чизиб, архитектурага ҳам қизиқишини намоён этди. Унинг қувонч ва баҳтни қуялаган санъати осойишталик билан нафас олади. Рафаэль ўз асарларида кўриниши тўғри мутаносибликка эга бўлган гўзалликни ва эстетик маданиятни топишга интилган эди.

Улуғ ёзувчи ва драматург Вильям Шекспер (1564-1616) бутун ҳаётини театр билан боғлаган эди. Ёзувчи ҳамма жойда ёвузлик ҳукм суради, унинг захри ҳамма ҳис-туйғуларда: ишонч ҳиссида ҳам, ҳақ ва ноҳақни ҳис қилишда ҳам, севгида ҳам бор, – деб ўйлади.

Шекспер шахснинг ички дунёси улуғлиги ва эстетик маданиятини чуқур ҳис қиласи. Шунинг учун ҳам “Отелло”, “қирол Лир”, “Гамлет”, “Ромео ва Жульєтта”, “Юлий Цезар” каби трагедиялари ўзининг ички моҳияти ва мазмуни билан кишилар қизиқишиларини ўзига жалб этади.

Шекспернинг “Гамлет” трагедиясининг қаҳрамони “Инсон нақадар санъаткорона яратилган-а! Ақли жуда соғлом. Ҳар бир ишни аниқ ва моҳирона бажаради. У барча оламнинг кўркидир” – деб эстетик маданиятга доир фикрларни хитоб қиласи. Шунингдек, “қирол Лир” трагедиясида Шекспер зебу-зийнат ва айш-ишрат ичидаги дабдабали ҳаёт кечираётган бир тўда ҳукмронлар билан сонсаноқсиз халқ оммасининг азоб-уқубатларини кўрсатади.

Шекспер Уйғониш даврининг инсонпарвар фикрларини ўз дунёкарашидан келиб-чиқиб холисона баҳолаб беради.

Уйғониш даври алломаларининг эстетик ғоялари нафақат ғарбда, балки бутун дунё эстетикаси ва маданияти тараққиётида ўчмас из қолдирди. Шу билан бирга кейинги давр ижодкорлари томонидан бу пайтда яратилган санъат ва

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
БИРИНЧИ БОБ. ШАХС ВА ЖАМИЯТ ЭСТЕТИК МАДАНИЯТИ РИВОЖЛАНИШИННИГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ	7
1.1§. Эстетик маданият ривожланишининг фалсафий асослари	7
1.2§. Фалсафа тарихида эстетик маданиятнинг ўрганилиши: ретроспектив ёндашув	12
1.3§. Жамият эстетик маданияти ривожланишининг қонуниятлари ва тамойиллари	46
1.4§. Шахс ва жамият эстетик маданиятининг диалектикаси	63
ИККИНЧИ БОБ. ЭСТЕТИК МАДАНИЯТДА МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎЗАРО АЛОҚАДОРЛИГИ	80
2.1§. Ўзбекистонда эстетик маданиятнинг онтологик, этномаданий негизлари	80
2.2§. Ўзбекистонда эстетик маданият юксалишининг миллий ва умумисоний хусусиятлари	121
2.3§. Эркин фуқаролик жамияти шароитида шахс ва жамият эстетик маданиятининг қадриятли томонлари.....	142
УЧИНЧИ БОБ. ШАХС ЭСТЕТИК МАДАНИЯТИНИНГ ҒОЯВИЙ, МАҲНАВИЙ-МАФКУРАВИЙ ВА ПРАКСИОЛОГИК МОҲИЯТИ	168
3.1§. Шахс эстетик маданиятининг миллий ғоя ва мафкура билан ўзаро таъсирланиши	168
3.2§. Шахс эстетик маданиятининг этномаданий ва маҳнавий-мафкуравий ҳолатини миллий турмуш шароитларида ривожланиши.....	190
3.3§. Шахснинг эстетик маданиятини шаклланишида санъатнинг конструктив аҳамияти	214
	309

ТҮРТИНЧИ БОБ. ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ШАХС ЭСТЕТИК МАДАНИЯТИНИ ШАКЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ	236
4.1§. Узлуксиз таълим тизимида глобаллашувнинг шахс эстетик маданиятини шакллантиришдаги ўзига хос хусусиятлари	236
4.2§. Шахс ва жамият эстетик маданиятини валеоэстетик тарбия билан уйғунлаштириш масалалари	255
4.3§. Эстетик маданиятни юксалтириш омиллари ва истиқболлари.....	277
ХУЛОСА.....	295
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	304

УЎК 118.232.822

КБК 87.817

F 75

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич

ЭСТЕТИК МАДАНИЯТ

Монография

ISBN 978-9943-6590-6-3

Мухаррир: Нафиса Рустамова

Мусахҳих: Нигора Тожиқулова

Тех.муҳаррир: Шоҳжоҳон Абдураҳимов

“Наврӯз” нашриёти ДУК, Тошкент – 2020

Нашриёт гувоҳномаси АИ № 170.29.12.2009

11.08.2020 йилда босишга руҳсат этилди:

Офсет босма қофози. Қоғоз бичими $60 \times 84_{1/16}$.

“Times” гарнитураси. Офсет босма усули.

Ҳисоб-нашриёт т. 19,5. Шартли б.т. 13,1.

Адади 500 нусха. Буюртма №293.

СамдЧТИ нашр-матбаа марказида чоп этилди.

Манзил: Самарқанд ш, Бўстонсарой кўчаси, 93.